



IJTIMOIIY-
SIYOSIY
GAZETA



**ЖАК ШИРАК
ҚАЙТА САЙЛАНДИ**

Францияда президентлик сайлови бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга қўра, амалдаги президент Жак Ширак 82 фоиздан ортиқ овоз олиб, мамлакатни яна беш йил бошқарадиган бўлди.



Сайловдан кейин президент Жак Ширак Париж марказидаги Республика майдонида йиғилган минглаб тарафдорлари билан учрашди. Унинг номзодини қўллаб-қувватлагани учун барчага миннатдорлик билдирди ва ўтказилган сайловни «тарихий воқеа» сифатида баҳолади.

Жак Ширакнинг асосий рақиби — Миллий фронт етакчиси Жан-Мари Ле Пен биринчи босқичда маълум даражада муваффақиятга эришган бўлса-да, у илгари сураётган ғоялар ҳақида матбуотда қўллаб-салбий фикрлар билдирилгандан кейин аҳоли орасида кучли норозилик кайфияти юзага келди. Натижанда Ле Пен атиги 17,94 фоиз овоз тўплай олди, холос.

**ҲАЛОКАТ САБАБИ
АНИҚЛАНМОҚДА**

Нигерия шимолидаги Кано шаҳрида йўловчи самолёти ҳалокатга учради. Натижанда 75 киши ҳалок бўлди. Шаҳар аэропортидан хабар беришларича, ҳаво кемаси тураржой бинолари устига қўлаб тушган. Ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.

ЁНГИН БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Краков яқинидаги нефтни қайта ишлаш заводига катта ёнгин содир бўлди. «Орлен» компаниясига тегишли ушбу заводни кучли вайронгарчиликдан ўт ўчирувчилар аранг саклаб қолди. Ёнгин тўфайли ҳеч ким жароҳатланмади.

ТЕХАСДА БЎРОН

Яқшанбадан душанбага ўтар кечаси Техас штатининг ғарбий қисмидан ўтиб кетган торнадо бўрони оқибатида икки киши ҳалок бўлди. Ҳапти шаҳри мазмурияти вакили Патрисия Симмонснинг хабар беришича, 12 та ўй жиддий шикастланган, бир неча киши жабрланган.

**ИНСОНПАРВАРЛИК
ЁРДАМИ ЖЎНАТИЛАДИ**

Яқинда зилзиладан жабр кўрган Грузия халқига Россия ҳукумати бугун инсонпарварлик ёрдами жўнатади. Россия Фавқулодда вазиятлар вазири матбуот хизмати берган маълумотларга қўра, гўштли консервалар, шакар, қуритилган озиқ-овқатлар, палаткалар, одеяллар юкланган «Ил-76» самолёти 38 тонналик инсонпарварлик ёрдами билан Москвадан Тбилисга учди.

ДОЛЗАРЪ МУАММО

«Междуречье» суний сув омбори қурилишини олиб бораётган Усенбой Холжонов.

**МУТАСАДДИ-
МУТАХАССИСЛАР
НИМА ДЕЙДИ?**

Турсунбой ЕШЧАНОВ, академик, Ўзбекистон Фанлар академияси Коракалпоғистон бўлими президенти раиси:

— Орол денгизи ва унинг атрофидаги қўлларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаётибди. «Судочье» қўли Амударё дельтасидаги энг катта ва аҳамиятли қўллардан бири ҳисобланади. Утган аср ўртагалида қўл майдони яқин квадрат километрге етган. Суви тиник ва мазали, ўсимлик дунёси бой. 59 хил ўсимлик олимларимиз томонидан аниқланган. Сувнинг етти-маслиги оқибатида шўрлан шўрланга қўлаб қўлаб келмоқда. 1999 йил кузида 30 хил ўсимлик ҳисобга олинган. Қамшизорлар йўқолиб бораётти. Экологик муҳит ноҳушлигидан жонивор қушлар, балиқлари йўқоляпти. 1953 йили қўл суви минерал суви бўлиб 618 миллиграмм дм. куб атрофида эди.

Масумий паррандалар эса қўл тесаида қўниб-қўнолмай аросатда. Экономутахассисларнинг фикрича, «Судочье» қўлининг минтақаси учун аҳамияти катта. Боеиси, қилиб қамишзор-ўрмонлари қуриган денгиздан кўтарилиш тузиди чанглари ушлаб, намлик ва ҳавони тозалаб туради. Бу эса соғлиқ ва биологик жараёнларга, деҳқончиликка, об-ҳавога кўп ихобий таъсир кўрсатади. Сувнинг учун «Судочье» қўлини саклаб қолишдек ечим талаб муаммони ҳал қилиш йўлидаги савий-ҳаракатлар долзарб бўлиб турибди. Бўлмаса, яна бир армон юзага келади.

(Давони 2-бетда)

СУВ ТАҚСИМОТИНИ КОМПЬЮТЕРЛАР БОШҚАРАДИ



■ В. ХАРИТОНОВ олган суратлар

Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудидан ўтувчи Жанубий Мирзачўл канали қарийб 464 минг гектар майдонни обихабёт билан таъминлайди. Каналнинг бош қисмида сув сарфи ҳар соғияда 335 кубометрни ташкил этади. Хар йили апрелдан сентябрга қадар унинг бош қисмидан салкам 3 миллиард кубометр обихабёт ўтади. Кейинги йилларда сув тақлилиги муносабати билан минтақа хўжалиқларидаги вазият бирмунча мураккаблашади.

Шунингдек, каналдан ноқонун равишда сув олишга, нобудгарчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Хўкумат вазиятни яхшилаш борасида амалий чораларни кўрмоқда. Чунки, Жанубий Мирзачўл канали бошқарувини модернизациялаш лойиҳаси Ўзбекистонда кейинги йилларда олиб борилаётган суви тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш дастурларидаги муҳим босқич бўлди. Дастурнинг амалга оширилиши йилга 76 миллион кубометр суви тежашга имкон беради.

Бошқарувини модернизациялаш моҳияти шундан иборатки, суви ўтказиш ва уни тақсимлаш жараёнларини эндиликда компьютерлар бошқаради. Сув тақсимо-ти фақатгина ишлай олишимизни кўрсатди. Канал бошқарувини модернизациялаш эса Ўзбекистон-Франция ҳамкорлигининг ёрқин ифодасидир. Сиёсат ва

— Бундай ҳамкорлик ўзини оқлайди, — деди лойиҳа тақдироти маросимида Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Ж. Костий. — BRL-инженерия фирмаси ва «Узгирпромелиководхоз» институти, Франциянинг Сув клуби ва СФЕК компаниясининг ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорлиги муваффақиятли ишлай олишимизни кўрсатди. Канал бошқарувини модернизациялаш эса Ўзбекистон-Франция ҳамкорлигининг ёрқин ифодасидир. Сиёсат ва

иктисодиёт соҳасидаги муносабатларимизнинг истиқболи порлоқ, — деб таъкидлади элчи.

— Француз мутахассислари билан дўстлашиб кетдик, — дейди Жанубий Мирзачўл канали бош муҳандиси Абдуҷаббор Рафуров. — Биз улардан кўп нарсани биллиб олдик ва ўргандик. Эндиликда компьютер асбоб-ускуналари ёрдамида кечаю-кундуз вазиятнинг назорат эта олдимиз. Ҳолбуки, бунинг учун илгари кунга 3 мартадан ўлчов ўтказишга тўғри келарди. Эндиликда сув даражасининг ҳар қандай тушиши диспетчер томонидан дарҳол аниқланади.

Суратларда: компьютерлар орқали бошқариладиган диспетчер маркази ва Жанубий Мирзачўл канали.

**ВАЗИФАЛАР
БЕЛГИЛАНДИ**

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири хайъатининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирлик таркибий тuzилмалари ва ҳусусий бошқармалари тезкор хизмат фаолиятининг 2002 йил биринчи чорақ яқунлари ва ғалдаги вазифалари билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Тадбирда ўтган давр мобайнида тезкор хизмат фаолиятини такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Жойларда бу борада олиб борилаётган ишлар атрофида таҳлил қилинди.

Бугун эса юзлаб қўллар, минглаб гектар ўрмонлар қуриган. Шунингдек, Бўзатовдаги «Довут қўл», Қозоқдарё томондаги «Ялтирбош», Мўйнок атрофидаги «Шегекўл», «Рибачье», «Ажибой», «Мўйнок» қўлларининг ҳам номи қолган, холос. Аксарият қўллар сўнгги 2-3 йилда сувсизликдан қақраб қолган. Ҳозир фақат «Судочье» қўлини саклаб қолишга умид қилиш мумкин.

Кўлнинг жўғрофияси, ўтмиши ва бугуни

«Судочье» қўли Оролу Мўйноқнинг қиёра томони, Устюрт платосининг шарқиди. Қўнғиротнинг ортда жойлашган. Қўнғироти, жойлашши бўйича мафтунок, манзарали. Эллигинчи йилларда майдони 40 минг гектарни ташкил этган, 15-20 минг центнердан мўлроқ балиқ овланган. Ондатралар макони бўлган. Илгари қўл атрофи-

**СЎНГИ УМИД
НИШОНИ**

Орол денгизининг майдони суви мўл замоналарда 68 минг квадрат километрдан иборат бўлган. Рус тадқиқотчиси Л. Бергнинг 1900-1902 йиллардаги тадқиқоти натижалари ҳам шу хисоб-китобга тўғри келади. Орол 1946 йили минг, 1978 йили 53800 квадрат километрге қисқарган. Ҳозирги аҳоли тўғрисида сўз айтиш қўйин.

Урушдан кейинги йилларда денгиз атрофларида 500 дан ортиқ оролча, қўл, қўлиқлар бўлиб, табияти ажойиб қўри-нишга эга эди. Балиқ, қўш ва хайвонларга бой бўлган. «Довут қўл», «Ялтирбош», «Судочье», «Мошонқўл» каби қўллар атрофидаги ўрмонларда 60-йилларгача йўлбарс, архар, ёввойи мушук, турли-туман қўшлар, минг бир хил ўсим-ликлар бўларди.

Бугун эса юзлаб қўллар, минглаб гектар ўрмонлар қуриган. Шунингдек, Бўзатовдаги «Довут қўл», Қозоқдарё томондаги «Ялтирбош», Мўйнок атрофидаги «Шегекўл», «Рибачье», «Ажибой», «Мўйнок» қўлларининг ҳам номи қолган, холос. Аксарият қўллар сўнгги 2-3 йилда сувсизликдан қақраб қолган. Ҳозир фақат «Судочье» қўлини саклаб қолишга умид қилиш мумкин.

**КЎЛНИНГ
ЖЎҒРОФИЯСИ,
ЎТМИШИ ВА
БУГУНИ**

«Судочье» қўли Оролу Мўйноқнинг қиёра томони, Устюрт платосининг шарқиди. Қўнғиротнинг ортда жойлашган. Қўнғироти, жойлашши бўйича мафтунок, манзарали. Эллигинчи йилларда майдони 40 минг гектарни ташкил этган, 15-20 минг центнердан мўлроқ балиқ овланган. Ондатралар макони бўлган. Илгари қўл атрофи-

ОРОЛ АТРОФИДА БИР КЎЛ БОР...

АМУДАРЁ ДЕЛЬТАСИДАГИ ЭНГ КАТТА КЎЛЛАРАНДИ
БИРИ «СУДОЧЬЕ» ҚУРИБ КЕТИШИ ХАВФИ ОСТИДА



Да яшовчилар «суви души — чучук қўл» деб атаганлар. XIX асрда Мўйнок, Қўнғиротга келтирилган рус казаклари «Суви душини кўнғироти талаффузи қила олмай — Суу душе» — «Судочье» деганлар.

Кўлнинг суви тиник ва таза бўлганидан балиқлар яшиб ривожланган ва мазали бўлган. Суви мўл пайтлари Амударё ва Сирдарёнинг қўйи ирмоқларида 3 миллионга яқин ондатра бўлган бўлса, ҳозир номи ҳам қолмаган. Ўсимликлар дунёси ҳам ранг-баранг эди. Хар хил қўшлар гўлжон ўйнаган. XX аср бошларида қўлнинг узунлиги 130-135, эни 16-43 километрдан ортиқ эди. Чўқурлиги 0,6 метрдан 3 метргача етган.



Устюрт коллектори ишооти электрпайвандчиси Жонибек Оразбоев

Дарё сувининг оз ёки кўллигига қараб, қўл денгизга қўшилиб ё айрилиб турган. Шу боис, тўртта қўл юзага келган. Унинг асосий ўзаги «Катта судочье» бўлиб, ҳозир суви озгина қолган. «Бегдулла ойдин» эса қурияпти. «Коратеранг» билан Устюртгача қўзилган «Оқушпа» қўллари қуриб бўлди. Сўнгги йилларда Амударё сувининг қайишгани тўғрисида

овулимизда 400 та оила истиқомат қиларди. Посёёлкада пароходлар тўхтаётган кичкина порт, электр токи, мактаб, кинотеатр, маданият клуби бўларди. Урга қўлтиги бўлиб, катта порт шахарчаси эди. Бу ерга Орол денгизи орқали йўловчи, балиқ ва юк ташувчи пароходу баржалар, Аральск ва Мўйноқдан келиб, Қўнғирот, Шуманай ва бошқа туманлар учун керакли юкларни таширди. Ҳозир шахарча ор-портдан ном-нишон йўқ. Ёкимсиз сокилик хўкмрон, ҳаёт сўнган. Бу дахшат. Наҳотки, сўнгги умид нишони «Судочье» қўли ҳам шундай аҳволга тушса, — дейди Мўйнок суви қурилиши хиссадорлик жамияти раиси,

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ҲУДУДИГА ТОВАРЛАР ОЛИБ КЕЛИНИШИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш ва улар юкларини божхонада расмийлаштириш тартибини соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2002 йил 1 июндан бошлаб тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар учун: уларни юридик шахс ташкил этмасдан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, улғуржи ва чакана савдо қилиш ҳуқуқи билан яқна тартибдаги тадбиркорлар сифатида белги-ланган тартибда мажбурий рўйхатдан ўтказиш; жисмоний шахслар томонидан олиб келинадиган товарлардан қўшилган қиймат солиғи, божхона божлари ва йиғимлар ўрнига ягона божхона тўлови тўлашни назарда тутувчи божхона тўловлари ундирилишини соддалаштирилган тартиби жорий этилсин.

Белгилансинки, жисмоний шахслар томонидан олиб келинадиган акциз солиғи солинадиган товарларга амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ставкалар бўйича акциз солиғи солинади.

2. Белгилансинки, ТИФ ТН қодидан ва товарнинг келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар товарларнинг барча топфалари бўйича божсиз олиб кириш нормалари қўлланилмаган ҳолда товарнинг божхона қийматидан:

озик-овқат товарлари (ундан ташқари) бўйича 50 фоиз; нооziк-овқат товарлари бўйича 90 фоиз; тижорат фаолияти учун мўлжалланган ун олиб келишда нуль ставка миқдорига ягона божхона тўлови ундирилади.

3. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ юридик шахс ташкил этмасдан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, улғуржи ва чакана савдо қилиш ҳуқуқи билан яқна тартибдаги тадбиркорлар сифатида белги-ланган тартибда рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар томонидан олиб келинган товарларни сотиш товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганини ва божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдир-да амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик, Давлат божхона қўмитаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирилик билан биргаликда ун қун муддатда Ягона божхона тўловини ундириш ва унинг суммасини давлат бюджетига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқин ва белгиланган тартибда тасдиқла-син.

Бунда табақалаштирилган ставкалар қўлланилиши назарда тутилсин, улар олиб келинадиган товарларнинг физик ўлчов би-рликлари ва божхона қиймати билан ўзаро мувофиқлаштирил-син.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик, Давлат солиқ қўмитаси ва Адлия вазирилик билан биргаликда товарларнинг ҳусусиятидан, миқдоридан ва уларнинг Ўзбекистон Республика-си божхона чегараси орқали олиб ўтилиши даражасидан келиб чиқиб, товарларнинг олиб келиниши мақсадини аниқлаш тарти-бини бир ой муддатда ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан бир-галикда бир ой муддатда олиб чиқилган ва олиб килинган то-варлар ҳажмларининг божхона органларида электрон ҳисобга олиниши тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин (маълумотлар ҳар чоракда солиқ органларига берилган ҳолда).

6. Давлат солиқ қўмитаси Назорат-тафтиш бош бошқармаси-ни ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузурдаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикаси назорат орган-лари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишган ҳолда:

импорт қилувчи жисмоний шахсларда тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинишини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигини режа-дан ташқари текшириш ҳуқуқи берилсин. Қўрсатиб ўтилган ҳуж-жатлар мавжуд бўлмаган тақдирда товар мўсодарга қилинади; алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари сотувчи ул-ғуржи ва чакана савдо субъектларида, шунингдек умумий оғқат-лаш субъектларида алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсу-лотлари белги-ланган тартибга мувофиқ сотилишини режадан ташқари текшириш ҳуқуқи берилсин.

Бунда ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига мазкур банднинг бажарилиши натижалари тўғрисида ахборот тақдим этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик манфаатдор ва-зирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғри-сида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбеки-стон Республикаси Бош вазирилик ўринбосари Р. С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2002 йил 6 май

■ (ЎЗА)

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

ПОЧТАЧИ ДИВИДЕНД ОЛАДИ

ЁКИ ИНҚИРОЗГА ЮЗ ТУТГАН АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИНИНГ ЎНГЛАНГАНИ ҲАҚИДА

Бугунги кун ҳар бир соҳанинг катта-ю кичик раҳбардан тартиб оқдди ишчи-хизматчисига тадбиркорлик ва ишбилармонлиқни, ташаббускорликни талаб этмоқда. Бонси, бозор иқтисодиёти ҳар бир ташкилот ё корхонада даврга мос даражада рақобатбардошлик муҳитини юзага келтиришни тақозо этади. «Сурхондарё почтаси» акциядорлик жамияти директори Абдурашид Ҳурақулов билан сўхбатимиз ҳам асосан ана шу мавзуда бўлди.

— Абдурашид ака, сиз раҳбарлик фаолиятингизни бошлаганингизда жамиятнинг иқтисодий аҳоли қандай эди?

— Икки йил бурун акциядорлик жамияти иқтисодий аҳоли ночорлашиб, ҳатто банкротлик даражасига тушиб қолган экан. Турли тўловлардан, ташкилот ва корхоналардан, иш ва хизмат ҳақларидан юз миллиондан ортқ қарзи бор эди. Ачинарлиси, жамият аъзоларининг корхона эртасига ишончи йўқолган, кўнгли ишдан совуб, кадрлар кўнимсизлиги авж олганди. Ҳўш, бу вазиятдан қандай қилиб чиқиш кетиш мумкин? Ишчи энг аввало жамият иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, одамларда янги-ча кайфиятни уйғотибдан бошладик. Камчиликларни бартараф этишга астойдил ҳаракат қилдик. Аввало барча қарзлар тўланишига эришилди. Ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошлари босқичма-босқич кўтарилди, уларга эътибор тубдан ахишланди. Кадрлар кўнимсизлиги барҳам топди, кераксиз иш ўринлари қисқартрилди.

— Демак, жамият иқтисодий натижалар сари юз тута бошлади...

— Ҳа, албатта, 2001 йил давомида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш бўйича муайян ишлар бажарилди. Хизмат турлари бўйича ўтган йилнинг шу давригача хат жўнатмалари ҳажми 11 фоизга, посылка 50 фоизга, пенсия тўлови 22 фоизга, кўшимча даромад олиш ҳажми 78 фоизга, обуна ҳажми қарийб 10 фоизга ва газеталар сотиш ҳажми 5 бараварга оширишди. Ҳурақулов 2001 йилда 269 миллион сўмлик почта хизмати кўрсатилди. Бу рақамни 2000 йил кўрсаткичларига солиштирсак 31 миллион сўмга кўп, демакдир.

Жамоамиз воҳа аҳолисига барча хизмат турларини ўз вақтида бажариб, умумий кўрсаткичларни 110 фоизга адо этди.

— 1997-1999 йиллар давомида акциядорларга дивиденд тўланмаган экан. Жамиятга сиз раҳбар бўлиб келгач, бу борада ўзгариш бўлди?

— 2000 йил якуни бўйича ҳар бир дона акцияга 42 сўмдан дивиденд тўланган бўлса, 2001 йил якунига асосан 3 миллион 64 минг сўм соф фойда олиниб, ҳар бир дона акция эгасига 52 сўмдан дивиденд тўламоқчимиз. 2001 йил давомида кўшимча равишда 10 млн. 74 минг сўм, жумладан, почта алоқа ходимларига меҳнат таъти учун моддий ёрдам 1 млн. 665 минг сўм, рағбатлантириш учун 8 млн. 751 минг сўм, пенсионерларга моддий ёрдам 134 минг сўм, даволаниш учун 145 минг сўм, дам олиш масканларига йўлланмалар учун 315 минг сўм, ишчи-хизматчиларимизни қўллаб-қувватлаш учун ва бошқа зарур маблағлар сарфланди.

— Ҳар йили обуна ишларини уюштуруш билан ўтказиш, аҳоли ва ташкилот-у корхоналарни ўзига хос мавсумга жалб этиш учун қандай усуллардан фойдаланаяпсиз?

— Почта алоқаси корхоналари орқали ҳар йили даврий нашрларга, хорижий, республика ва маҳаллий газета-журналларга обуна уюштуруш билан амалга оширилмоқда. Обуна ишларини кенг миқёсда олиб бориш учун ОАВ орқали мунтазам рекламалардан фойдаланаяпсиз. Кейинги икки йилда корхонамиз биргина обунанинг ўзидан 93 миллион сўм даромад кўрди. Уз навбатида ишчи-хизматчиларимизнинг маошлари оширилди, илгор обуна ташна килотчиларимизга муқофот пуллари ташкил этидик. Энг муҳими, вилоят бўйича обуначиларимизга газета ва журналларнинг ўз вақтида етказиб берилиши учун барча чора-тадбирлар кўрилди.

— Жорий йил бўйича қатор хайрли тадбирларни режалаш олибсизлар. Ана шулар ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— «Қарияларни қадрлаш йили» албатта, почта ва алоқа

Қўлимдаги суратга тикилганча ҳаёлга чўмаман... Манга, очик чехрали, самимий, дўстларига меҳрибон, оиласини севувчи, ишига шошилиб келиб, кеч оқшомда шошилмасдан уйига қайтувчи, сирдош биродарим Эркинжон тикилиб, қараб турибди.

ДЎСТ ЁДИ

— Ташкилотларнинг ҳар бири бир неча бор республика ва халқаро танловларда қатнашди. Жумладан, Жиззах вилоятидаги Маржонбулоқ, Қозғистон Республикаси Чимкент шаҳри маркази лойиҳа ва макетлари учун танлов ғолиби, деб топилди. Шу лойиҳалар бўйича қурилишлар ҳозир ҳам давом этирилмоқда. 1993 йили республика Ёшлар муқофотиغا сазовор бўлди. Сўнгра Шайхонтоҳур туманида турли лавозимларда фаолият кўрсатди. 1992 йилдан Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгашининг биринчи котиби этиб



сайланди. Шу даврда тумандаги партия аъзоларининг сони 1,5 мингдан 2,5 минг нафарга етди. Республика танлови бўйича Ўзбекистон ХДП раъзий белгиси эскизи устида ишлаб юрганымда ўзининг фойдали маслаҳатлари билан уллушни қўшган эди. Шайхонтоҳур тумани ҳокимиятининг топшириғи билан туман эмблемаси (нишони) эскизини биргаликда бажарган эдик.

У 1995 йилдан Шайхонтоҳур туман ҳокимиятининг биринчи муовини, 1996 йилдан умрининг охиригача — 1999 йилгача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшма-

— Эркин Холмирозевнинг «Ўзбекистондаги меҳмонхона архитектураси» номли номзодлик диссертацияси тугалланмай қолди. У 5 фарзанднинг отаси эди. Эркин улуг мутафаккир шоир Алишер Навоийга ихлос қилиб, ўғлининг исмини Алишер қўйиб, унинг орзу-ҳаваси билан яшарди. У ҳозир орамизда бўлганида, 50 ёшга тўларди. Жисман у орамизда йўқ бўлса-да, унинг руҳи-поки ҳалма нарсасдан огоҳ, иймоним комилки, фарзанди Алишер, неваралари унинг ушалмаган орзуларини амалга оширадилар. Эеро, ўзбекларда «от ўрнини тои босадми», деган нақл бор.

■ Бозорбой ҒОЙИБОВ

— Яқинда «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан газетамизга туркум суратлар олиб келган сураткашга ўз мулоҳазамни билдирдим:

— Тасвирларингизнинг барчасида деярли бир хил манзара: кекса одам неварасини эрқалаётти, отахон оила давраси тўрида кўр тўкиб ўтирибди, бир гуруҳ қариялар тўкин дастурхон устида, бир онахон ёшларга хотира сўзлаётти, чолу кампир бир-бирларига меҳра термулиб турибди ва ҳоказо...

— Назаримда бу битта сизга эмас, қариялар мавзусида қалам тебратаётганлар учун сураткаш ва телевизорчиларга хос бир ёқлама қарашга ўхшайди. Бу сурат ва тасвирлардан мақсад битта: бахтли, фаровон кексалик, фарзандлари, эл ардоғидаги оталар ва оналаримизни маъдэ этиш...

— Аслида бу — олийжаноб мақсад! Аммо шу ўринда бир мулоҳаза бор. Орамизда нафақа ёшидан олган бўлса-да, ҳамон ишлаб чиқариш, фан, маданият, молия, банк ва бошқа тизимларда ғайрат-шўжрат, ташаббускорлик намуналари кўрсатиб, ўзгаларга, хусусан ёшларга ибрат кўрсатиш меҳнат қилаётган миқдорини ҳисоб-китоб юритувчи котиби қилиб ишга олишди. Раиснинг қариндошидир, деган шўбҳага борманг. Оддий деҳқон Қосим ахоннинг қўли мактабдаёқ зехининг ўтирилгани, ҳисоб-китоб ишларига пухталиги билан тенгдошларидан ажралди турган. Шу боис, хўжалик раҳбарлари ишига пухта ҳисобчилар танқислиги тўғайлими, йигитчани ўқишга ҳам юбормай ишга ола қолишган. Икки йилдан сўнгра эшиктаннинг истезоданининг пайқаган Олтиариқ банки мутасаддилари уни банкка ишга олиб кетишди. Ажабо, махус маълумоти бўлмаган йигит банк ҳодими бўлиб ишлаб юраверди. Ишлаб юриб, Тошкент Халқ хўжалиги институтини сирдан тугатиб, молия ва

банк Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Расул Шароповлар тасвирланган эди. Уйлаيمان, ёш, танқили фермер билан «Пахта банк» вилоят бошқармаси бошлиғи ўртасида қандай устоз-шогирдлик бўлиши мумкин?

— Расул Шаропов муболагаси билан айтганда, тиши чиқибдики, банк соҳасида. Банк дунёсининг баъзан осойишта, баъзан тигиз ва серҳаркат уммонида кўп сузган,



— Узоқ йиллар банкда ишлаш Расул ақани иқтисодийнинг барча соҳаларини беш қўлда билиш даражасига олиб келди. Истиқлолгача бўлган даврда Фарғонада пахтачилик иқтисодийнинг бош бўғини бўлиб қолаверган. Масалан, 1985 йилда вилоятдаги экин майдонларининг қарийб 66 фоизини фақат пахта ташкил қилар эди. Лекин пешона тери эвазига етиштирилган

БИР КЕКСАКИ, ҒАЙРАТИГА
ЁШЛАР ҲАВАСМАНД

— Шундай тушкун кайфиятда юрган пайтларим эди, — дейди Одилжон Ҳикматов, — чиндан-да чакки кўп урибман бу ишга деган ноҳуш ўй миямни пармалаган ҳам. Эрта баҳорда дала четига бир машина келиб тўхтади. Ундан Расул ака Шаропов тушдилар. Мен у кишини орқаверотдан билар эдим. Лекин муносабатларимиз қалин эмас эди. «Келинг Расул ака» деб сўрашдим. Расул ака ўша пайта Олтиариқ тумани

«Агросоаноатбанк» бошқарувчиси эди. Аҳолинингиздан хабардорман, — деди Расул ака, — хўжалигингиз хусусидаги гап-сўзлар ҳам анчагина. Бирок, кўнгилни чўқтирманг. Мен бу соҳада йигирма йилдан бери ишламан. Хўжалик юритишнинг эски усули аллақачон чирганини ахши англайман. Қишлоқ хўжалигининг келажаги фермерларники.

— Дала четига кўпбола қапада ўтириб, қора кўлфонда кайнаган чой устида анча сўхбатлашдик. Расул ака ер шароитим, хўжалигининг молиявий аҳоли, ишчи кучлари ҳақида роса сўраб сурштирдик. «Эртага банкка бориң, маслаҳатли иш бор» дегай хайрлашди.


— Эртаси эрталаб банкка бордим.

— Мен фермерлар томонман, — деди Расул ака, — шу характерли ривожлантиришга хисса қўшсам дейсиз, бир қисмига замонани молхона курсис. Қолгани хўжаликнинг ер, туپроқ шароитини ахшилашга сарфлайсиз.

(Давоми 4-бетда)

ҚИРУВЧИ САМОЛЁТ
БАНККА ҚУЛАДИ

Ҳиндистон ҳарбий ҳаво кучларига қарашли «Миг-21» қирувчи самолёти Жалаңдах шаҳридаги банк биносига келиб ўрилиши натижасида 7 киши ҳалок бўлди, 10




киши эса оғир тан жароҳати олди. Самолёт портлаши оқибатида банк ёнидаги дўкон ҳам шикастанган, банкда қат-та ёнғин чиққан. Жалаңдах полицияси бошлиғининг ўринбосари Паражит Сингх Гилнинг айтишича, қўтқарув ишлари тезкорлик билан ташкил этилган.

ИККИ
БАРАВАРГА КЎПАЙГАН

2001 йили интернет тизимидан фойдаланувчилар сони Россияда аввалги йилдагига нисбатан 2 бараварга кўпайган. Улар сони ҳозир 18 миллиондан ортқдир. 8 миллиондан зиёд киши интернетнинг доимий аудиториясини ташкил этади. Бу маълумотлар Россия интернет-технологияси жамоат марказининг ҳисоботида эълон қилинди.

Тадқиқотларда таъкидланишича, интернетдан фойдаланувчилар сони яқна тартибдагидан кўра уюшма ва ташкилотлар ҳисобига кўпайган. Яъни, 2000 йилда уюшма ва ташкилотларнинг интернетдан фойдаланиш даражаси 60 фоиз, яқна тартибдагилар эса 40 фоизни ташкил этган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 63 ва 37 фоизга етган. Ушбу йилда эса рақам 65 ва 35 фоизга бориши кутилмоқда.



Бугунги Брюссель

■ Владимир ПАНОВ олган сурат

КУЧЛИ ЖАЛА ТУҒАЙЛИ

Бир неча кундан бери давом этаётган кучли жала туғайли Бангладешда сув тошқини юз берди. Натижада 25 киши ҳалок бўлди, 100дан ортиги эса жароҳатланди. Юзлаб уйлар сув остида қолди, шунингдек, шол майдонлари ҳам.

— Дақи шаҳридан 150 километр узоқликда жойлашган Носирнагарда 5 киши қачқок ўриши натижасида вафот этди. — дейди полиция бошлиғи Жангир Тарик. — Бузилган уйлар остида қолганлар ҳам анчагина.

Хукумат тарқатган манбаларда таъкидланишича, мамлакатнинг шимоли-шарқий вилояти, биринчи галда Суннамганж тумани табиий офатдан энг кўп зарар кўрган ҳудуддир. Бу ерда Сурма дарёси ўз ўзидан тошиб кетиши натижасида 25 минг гектар шол майдони сув остида қолган. Яна 115 минг гектар майдон хавф остида турибди.

Ҳиндистон фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакили Абул Қалам Озоднинг маълум қилишича, аҳоли бундан-да, оғир кулфатларга тайёр туриши лозим, чунки аҳоли янада ёмонлашиши мумкин. Негаки, кучли жала ҳали-бери тўхтамайди кўринади.

КЕМАНИ
ТАШЛАБ
КОЧИШДИ

Колумбия ҳарбий денгиз кучлари вакилининг ахборот беришича, эгасиз кемадан 2,25 тонна кокаин гнѳхванд моддаси топилган. Гап шундаки, гнѳхвандлик савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳни очик денгизда харбийлар ташкил этган. Жиноий гуруҳ эса кемасини чақалакзорларга яшириб, ўзлари қочиб қолишган.

Ҳарбийлар кемани топишга муваффақ бўлишди. Кемада кокаиндан ташқари 1200 галлон ёнғили ҳам топилган. Демак, фараз қилинишича, улар кокаинни узоқларга олиб бориб сотишни мўлжаллашган.

— Америкалик олимлар киборг-кемирувчилар яратишга киришдилар. Тадқиқотлар жараёни давомида шу нарса аниқландики, одатдаги табиий каламушни компьютер ёрдамида бошқариш мумкин экан. Бунинг учун каламуш миёсига компьютер сигналларини қабул қилувчи микроип жароҳлиқ йўли билан ўрнатилади, дея хабар беради Independent

News. Янги киборг-жонот «Robot» деб номланади. Олимлар шунга ишонилмоқдаки, келажакда бу киборг-кемирувчилардан зилзила эпицентраларида қўтқарув ишларини амалга оширишда, аникроян, бўзилган бинолар остида тириклар бор-йўқлигини аниқлашда ёки миналарни топишда, шунингдек, душманнинг махфий объектларида разведка операция-

ларини амалга оширишда кенг фойдаланиш мумкин. Миёсига микроип ўрнатилган 5 та киборг-кемирувчи устида олиб борилган илмий-тадқиқот гуруҳини синовалари муваффақиятли яқунланди. Синов машқи қўйидагича бўлди: турли йўлқачлар, зиналар, дарвозалар ва боши берк кўчалардан иборат улкан лабиринт ичида киборг-каламуш қўйиб юборилиб,

700 метр масофадан туриб компьютер ёрдамида бошқарилган ва натижада каламуш лабиринтни йўлқачлардан ҳеч қўйнамай, яъни компьютердан узатилган сигнал ёрдамида тўғри йўл топиб, осонгина дарвозадан ташқарига чиқиб олди. Янги тадқиқот учун нега айнан каламуш танланганини ушбу илмий лойиҳа раҳбари, профессор Жон Чаплин қўйидагича изоҳлади: би-

ринчидан, улар кичкина бўлгани учун қидирув ва қўтқарув ишларида жуда қулай. Иккинчидан, ўта яшовчан. Учинчидан, бу борадаги тадқиқот ишлари қимматга тушмайди.

— Қўтқарувчи ва қидирувчи итти махус тайёрлашга ўртача 60 минг доллар сарфланади, — дея сўзидан давом этади профессор. — Аммо ит каламуш кирган жойларга қиролмайди — сизмайди. Бундан ташка-

ри итлар оғир бўлгани учун минали майдонларда улардан фойдаланиш бироз ноқулайлик туғдиради: ит минанинг устидан юрса, портлаб кетиши турган гап. Каламушлар эса жуда енгил. Миналарни қидириб топишда ақотиши аниқ ва равшан. Олимларнинг фикрича, ўтказилаётган барча тажрибалар ва тадқиқотлар муваффақиятли кечса, яқин келажакда фантастик киборг-одамлар ўрнини киборг-кемирувчилар фантастикаси эгаллаши мумкин экан.

АКС-САДО

БУ ЙИЛ ОТ ЙИЛИ...МИ?

«ТИЛ ЎЗАГИМИЗНИНГ, ЎЗЛИГИМИЗНИНГ, ЎЗИГА БЕКЛИГИМИЗНИНГ БОШ БЕЛГИСИ» 2001 ЙИЛ, 6 ДЕКАБРЬ

Ҳазрат Алишер Навоий ўзбек тилини бир чаманзор, гулзорга ўхшатса, Абдулла Қодирий «Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал, улар ўз нодронликларини ўзбек тилига тўқмасинлар», дея сабоқ беради.

Дарҳақиқат, тилимиз гоёт бой ва ширали. Чунки унинг озиклантириб турувчи манбалари қувватли. Бу манбаларнинг биринчиси мумтоз тилимиз бўлиб, у узок тарихга эга бўлишдан ташқари, ота-бобомиз мерос қилиб қолдирган ёзма ёдронликларнинг мўллиги билан ҳам ажралиб туради.

Иккинчи манба халқ тили. Ўзбек тилини бу жиҳатдан ҳам худо ёрлаққан. Чунки у кўп шевага эга бўлиб, шунинг ҳам худди ёрлаққан. Чунки у кўп шевага эга бўлиб, шунинг ҳам худди ёрлаққан.

Учинчи манба халқ озаки ижоди намуналари тили. Ўзбек тили толесига бу томондан ҳам қисилмаганлигини кўриб шукроналар айтадиз. Зеро, бу услуб ўзининг ўзоқчилиги, кишилар қалбига яқинлиги, нишонга бехато тегиши билан ажралиб туради.

Кўринадими, ўзбек тилининг, хусусан адабий тилининг имкониятлари кенг ва ҳатто чеғарасиз. Лекин гап шу бўлмайди, бундан ҳозирги ўзбек адабий тилимизнинг қай даражада фойдаланаётганидан. Худди шу маънода Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон ўта долзарб масалани кўтарди ва айтиш мумкин, савобли ишга қўл урди. Бинобарин, XI асрда Махмуд Қошғарийни яйловмайлов, ўтовма-ўтов юриб халқ мақоллари, иборалари, сўзларини тўрлашга ҳеч ким мажбур қилган эмас. Ёки ҳазрат Алишер Навоийнинг «Муҳомат-ул лугатайн», Фитратнинг «Тилимиз» номли асарларида кўтарилган масала-ю назарий

фикрлар уларнинг юрагидан сидаб чиққан дард эканлигини қандай қилиб бефарқ кузатиш, уни ҳозирги ўзбек адабий тилига нисбатан бермаслик мумкин?

Гап ҳозирги ўзбек адабий тили ҳақида кетганда, кўз олдидан ҳамisha бир воқеа кетмайди. 1977 йили йирик тилшунос олим Худойберди Дониёров қилчок диалектининг ўзбек адабий тилига муносабати масаласида докторлик диссертацияси ёқлади. Халқ тилидаги жуда кўп сўзларнинг адабий тилга кирмай қолганлигини, лекин улар бевоқифа адабий тил учун зарурлигини таъкидлади. Шунда кулмагадани Миртемир домла минбарда ҳозир бўлиб, таъдиқотчинини табриклади. Халқ тилидаги ўша сўзлар адабий тилнинг катта бир бойлиги эканлигини ўзининг шеърлари мисолида сўзлаганда беихтиёр залдагилар оёққа қалқан эди. Қарангки, улғу кишиларнинг фикрлари аксарият бир нуқтада бирлашаркан.

Инсоннинг ўз онасидан бошқа тўрт онаси бўлар экан. Бу — ота макон, урф-одат, тарих, она тил. Шунинг учун тилга бефарқлик — бу онага бефарқлик. Худди шу маънода ҳам Тўра Сулаймонни қайғуртирган масалалар ҳеч қандай бефарқ қолдирмаслиги керак. Бу ҳар бир тилчи, адабшунас, шоир, ёзувчи, матбуотчининг қўлидаги гаплар. Муаллиф мазкур мақолада анча масалаларни кўтарган ва ўз муносабатини билдирган. Дарҳақиқат, адабий тил вақиллари кўпда барча соҳа ходимларига қўлаш учун сўз ва атамаларни тавсия этиди. Бизнингча, унинг акси бўлиши лозим. Яъни, ҳар бир соҳага тегишли сўз, ибора, атам, мақол, маталарни ўша соҳа эгаларидан эринмай тўрлаш, йиғиш ва адабий тилга олиб кириш лозим. Шунинг учун Ойбек домла ёзувчилар тилини халқдан ўрганишлари лозим, дея сабоқ берган эди. Худди шу маънода

биз ўшабу ўринда ҳозирги кунда республика матбуотида айтаётган битта ибора ва ушбу ибора билан алоқадор соҳага тегишли сўз ва атамалар ҳусусида фикр юритмоқчимиз. Фикримиз қуруқ даъвога ўхшаб қолмаслиги учун ЮНЕСКО томонидан 1000 йилли нишонланган ўзбекининг шох асари — «Алпомиш» дostonи асосида ишоблашга ҳаракат қиламиз.

«Бу йил от йили», деб тақор-тақор эслатишмоқчимиз республика матбуотида, хусусан телекўрсатув ва эшиттирилларда. Аммо, халқда «Йилки йили» дейиларди (негаки «от» йилкининг эрқизи, холос) ва шу сабабли ҳеч «от йили» деб, ишлатилмас эди. Чунки «йилки» сўзи умумлаштирувчи ном. Бу ҳақда халқимизнинг, йилки йили олдинда, ёркин бўлар йўлларинг, деган ҳикмати ҳам бор.

Шу ўринда «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да қимизга берилган таърифта нима дейсиз: «қимиз от сўтидан тайёрланадиган энгил қайф берувчи ичимлик» (1982 йил. II жилд, 579-бет.) (Отнинг сўт беришини тасаввур қилиб кўринг. Бу жуда қизиқ ҳолат-да).

Ўзбек тилида йилкичилик билан алоқадор юзлаб сўз, атам, ибора, мақоллар мавжуд бўлиб, уларни қўлчилик ёшларимиз билмайди. Шунинг учун бугунги матбуотимизда ҳам «бу йил от йили», «қимиз олтинг сўтидан тайёрланади», деган гапларни улар ихтиёрсиз қўллаб беради.

Энди ўйлаб кўрайлик, тилимизга бундай бефарқлик қачонча давом этади? Эҳтимол мутахассислар бирлашиб бирор аниқ таклифи ўртага ташлармиз.

■ Босим ТҮЙЧИБОВЕВ, Гулистон давлат университети доценти

(Давоми. Боши 3-бетда)

Ҳаяжонлиб кетдим. Чунки ўша пайтларда ўзингиз биласиз, 10 минг сўм жуда катта пул эди. Расул аканинг ёрдами билан кредитни олиб олти бош қорамол сотиб олдим. Молхона қурдик, ем-хашак, силос жамғардик. Расул ака кредит бериш билангина чегараланиб қолмади. Доим ишларимдан бохабар бўлиб турди. Қимматли маслаҳатларини аямди. Хатто олди-сотди операцияларини қонунга мувофиқ ҳамда қўлай шaroитларда олиб бориш учун банкнинг бир ходимини бизнинг хўжаликка боғлаб қўйди. Ишларимиз ривожланиб, моллар бош сони орта бошлади. Уларнинг сони ҳозир 130 тадан ортган. 122 гектар экин майдони бор. Фермер хўжалигининг йиллик даромади 18-20 миллион сўми ташкил этади. Йилгирма нафарга экин ишчи меҳнат қилади.

Олтариқда қўллаб қувват фермер хўжаликларининг юзага келиши, тадбиркорликнинг ривожланишида Расул Шаропов раҳбарлик қилаётган банкнинг катта роль ўйнаганлигини ҳамма биларди. Бу ҳақда республика матбуотида қатор мақолалар чиқди. Телевизор, радиода материаллар берилди. «Банкнинг тадбиркорликни ривожлантиришидаги ўрни қандай муҳим эканлигини Расул Шаропов мисолида кўриш мумкин», деган фикр ҳам айтилди.

Мана шу ижобий тавсифлар сабаб бўлдики, 1995 йили Расул Шаропов республика акциядорлик тижорат «Пахта банк» Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи лавозимига таъин этилди. Ўша пайтгача туман миқсисдаги раҳбарлик лавозимларида ишлаган Расул Шаропов аввалига бироз чўнқиради ҳам... У келган йилиёқ «Пахта банк»нинг барча бўлимлари электрон тўловлар умумдават ти-

БИР КЕКСАКИ, ҒАЙРАТИГА ЁШЛАР ҲАВАСМАНД

зимига киритилди. Ўша йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг ҳар бир жойида банк тўловларини санокли дақиқларда амалга ошириш мумкин бўлиб қолди. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаги банк хизматини бир ёлга олинг. Бир-бирини туртиб-суртиб, тезда ўз ишини бажаришга шошилган миҳозлар, стол орқасида алмоқсоддан қолган чўт билан ҳисоб-китоб қилаётган ходимлар, ўтказилган пулларнинг 15 қўлаб, ҳатто ойлаб тегишли жойга етиб бормаслик ҳоллари...

Эндиликда эса мутлақо бошқа бир манзарани кўрасиз. Банкларнинг барча бўлимлари компьютерлаштирилган. 1997 йилдан бошлаб Расул ака янги ташаббус билан чиқди. У энди йирик қорхоналар ҳузурда кичик банклар очилни бошлади. Дастлаб «Қувасойцемент» акциядорлик жамияти ҳузурда мини-банк очди. Режага қўра ушбу мини-банк нафқат «Қувасойцемент» акциядорлик жамияти, балки қорхона атрофида жойлашган бошқа қорхона, ташкилот, муассасалар, аҳолига ҳам хизмат кўрсатиш керак эди. Лўнда қилиб айтганда, энди илгаригидек одамлар банк ҳузурига эмас, балки банк халқ ичига кира бошлади. Ўша 1997 йили шу мини-банк атиги 4 та миҳозга хизмат кўрсатишдан бошлаган эди фаолиятини. Ҳозирга келиб улар сони 30 тага етиб қолган.

— Расулжон ака «Пахта банк»ка раҳбарлик қилган 6 йил давомида, — дейди вилоят «Халқ банки» бошқармаси бошлиғи Содиржон Усмонов, — вилоятдаги бошқа банклар орасида энг етакчи мавқелар-

дан бирига эришти. Чунки ў киши англиклар яратувчанлиги, ёшларни қўллаб-қувватлаши, ўзига хос иш юритиш услуби билан биз ёшлар орасида устоз деган шарафли номга сазовор бўлди.

Шу йилнинг бошида Расул Шаропов 60 ёшга тулди. У киши ҳукумат мукофотларини олган, бирок, юбилей кўни айтилган табрик сўзлари, унинг меҳнат фаолиятига берилган баҳолар бу аjoyиб, камтарин инсон ўз банкирлик фаолияти давомида қанчадан-қанча эзгу, савоб ишлари амалга оширгани, қанчадан-қанча ташаббуслар, янгиликлар изҳорлари бўлганлигини яна бир қарра яққол кўрсатди.

— Сиз гарчи муборак ёшга тулган бўлсангиз-да, — деди вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Усмонов Бегматов, — кексалар сафига қўшишга ҳеч ким журъат этмайди. Зеро, сиздаги ғайрат-шижоат, ўз ишига фидойилик ҳар қандай ёш ходим учун интилишга яраш аъбатдир.

Банк ходимлари ҳам «Йўқ, сиз ҳали бизга керакдиз, бирга ишлаймиз, банкимизни биргалликда ривожлантираемиз», дея туриб олишди. Гарчи нафақа ёшига етган бўлса-да, ўнгил-қизлар, неваралар даврасида бамайилхотир хордик чиқариш даври келган бўлса-да, Расул ака эл-юрт иши, мамлакат тарақиётига имкони борича ўз улушини қўшиш ниятида халоватдан воз кечди. Қадрдон «Пахта банк»да бошлик ўринбосари бўлиб ишни бошлаб юборди.

Чорвадор фермер Имомали Назаров билан банкир Расул

Шаропов ўртасидаги устоз-шогирдлик қаредан пайдо бўлдики, деган саволага ҳам жавоб бериш пайти келди.

— Мен ҳам 1991 йили шахсий фермер хўжалигини ташкил этганман. Хўжалигимиз ёмон ривожланмади. «Пахта банк» билан ҳамкорлигимиз эса муваффақиятларимиз гaрови бўлди. Расул ака билан бир иш юзасидан танишиб қолдик. Илгарилари иқтисодий операцияларимизни ўтказиш учун ҳар кўни фермер хўжалигиндан 20-21 чакорим олисдаги туман марказида жойлашган банкка қатнашга мажбур эдик. Расул аканинг ташаббуси билан фермер хўжалигимиз жойлашган Яқкатут қишлоғида мини-банк очилди. Мушқуллимиз осон бўлди. У кишининг кўмаги ва маслаҳати билан Исроил давлатининг 300 миң АҚШ доллари қийматидаги, қўнға икки тонна сутни қайта ишлайдиган завод қурдим. Ҳозир заводда тайёрланган пишлоқ, қаймоқ, йогурт маҳсулотлари харидорлар орасида талаш. Шу боис ҳам Расул акани ўзимга устоз деб биламан. У кишининг ҳалоллиги, ишбилармонлиги, ғайратига тан берман. Бир шоирнинг машҳур байти бор: «Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди...» деган. Мен эса Расул акага қараб «Шу ғайрат, шу шижоат қанйиди ҳамма ёшларимизда бўлса...» деб ўйлаб қолман.

■ Алишер ИБДОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



Санъатта шайдолик халқимизнинг жисму танига она сутти билан кирган. «Маҳаллада дув-дув гап» халқ этнографик дастаси қамшиликларнинг руҳий эҳтиёжлари меваси сифатида 1999 йилда ташкил топди. Ўтган йили ўтказилган алла ижрочиларнинг 5-анъанавий кўрик-танловида ушбу жамоа фахрли ўринни эгаллади.

Суратда: даста аъзолари Дилором Тураева ва Фоти-ма Хушвақтова.

■ Абдирасул ПАРДА олган сурат

«Ўзбекистон овози» газетаси тахририяти қошидаги «Қаламкаш» журналистика ўқув курсига 2002-2003 ўқув йили учун сўхбат асосида 16 ёшдан 45 ёшгача бўлган тингловчилар қабул қилинади.

Журналистика соҳаси бўйича етук мутахассислар замонавий дастурлар асосида назарий ва амалий машғулотларни олиб борадилар.

Уқиб мuddати БИР ЙИЛ

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 356-хона «Ўзбекистон овози» тахририяти.

Телефон: 136-55-05 КўРСНИ БИТИРГАНЛАРГА ҲУЖЖАТ БЕРИЛАДИ

ШАҲРИСАБЗДА ҚЎШИК БАЙРАМИ

Республика халқ таълими тизиминда олтинчи бор ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним мени» фестивали бу сафар Шаҳрисабзда бўлди.

— Қўрик шаҳардаги кишлоқ хўжалик коллежиди бўлиб ўтди, — дейди бош ҳақам, Ўзбекистон давлат консерваторияси бастакорлик кафедраси ўқитувчи Муҳаммад Отажонов. — Низомга қўра, танловга хор, вокал-чолғу, фольклор-этнографик, академик ижро, маком жанрларидан биттаси тақдим этилди. Қашқадарёлик ёш санъаткорлар дастаси тақдим этган «Шаҳрисабз наволари», наманганлик 6-синф ўқувчиси Хумора Ҳўжамқуллова ижро этган «Турон кўёши» қўшиқлари юқори баҳоланди. Шунингдек, Хоразмда фольклор, Тошкент шаҳрида миллий эстрада яхши ривожланиб бораётгани намоён бўлди.

Олий ўрин Қашқадарё вилояти ёш санъаткорларига насиб этди. Тошкент шаҳри ёш хаваскорлари биринчи, Самарқанд, Сирдарё, Наманган вилояти санъаткорлари иккинчи, Хоразм, Бухоро вилояти истеъдодлари учинчи ўринни эгаллашди.

■ (Ўз мухбиримиз)

САРАЛАШ БАҲСЛАРИ БОШЛАНДИ

Кеча пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида футбол бўйича 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осие чемпионати 5-гурӯх жамоалари саралаш учрашувлари бошланди. Ушбу гурӯхда Ўзбекистон терма жамоасидан ташқари, Шри-Ланка, Қирғизистон мамлакатлари футболчилари ҳам тўп суришмоқда. Вакилларимиз илк учрашувини эртага шри-ланкаликларга қарши ўтказишса, кеча Қирғизистон — Шри-Ланка ўсмирлар терма жа-

моалари ўзаро куч сынашди. Бу ўйинда 1:1 ҳисоби кайд этилди. Осие чемпионатининг финал босқичи сентябрь ойида БААда ўтади.

Худди шунингдек, мазкур ўйингоҳда 6-синф ўқувчиси Хумора Ҳўжамқуллова ижро этган «Турон кўёши» қўшиқлари юқори баҳоланди. Шунингдек, Хоразмда фольклор, Тошкент шаҳрида миллий эстрада яхши ривожланиб бораётгани намоён бўлди.

Олий ўрин Қашқадарё вилояти ёш санъаткорларига насиб этди. Тошкент шаҳри ёш хаваскорлари биринчи, Самарқанд, Сирдарё, Наманган вилояти санъаткорлари иккинчи, Хоразм, Бухоро вилояти истеъдодлари учинчи ўринни эгаллашди.

■ Эркин ХОЛБОБОВ

«НЕФТЧИ» АНЪАНАНИ БУЗДИ

Ўзбекистон XI миллий чемпионати олий лига жамоалари саккизинчи тур учрашувларини аяқнашди. Ўн йилдан бери бирор марта ҳам чемпионат жадвалининг кучли тўртлигидан қўйиға «шўнғимаган» Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси бу мавсумда ўз анъанасини бузишга мажбур бўлди.

Сунгги турда фарғоналиклар Наманганда «Навбахор» меҳмони бўлиб, 1:2 ҳисобида имкониятини бой бердишди. Бу мағлубият «Нефтчи»ни жадвалнинг тўққизинчи поғонасига «миҳлаб» қўйди.

Ўзининг ҳужумкор ўйинлари билан ишқибозларни мамнун этаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси эса навбатдаги ғалабага эришти. Пахтакорчилар бу сафар «Металлург» дарвозасига жавобсиз беш тўп йўллашди — 5:0. «Самарқанд — Д» ўз майдо-

нида Қаршининг «Насаф» футболчилари билан дуранг ўйнади — 1:1.

Ушбу турнинг бошқа ўйинлари натижалари: «Трактор» — «Дўстлик» — 3:0, «Бухоро» — «Кўқон-1912» — 2:0, «Сўғдиёна» — «Зарафшон» — 2:0, «Машъал» — «Сурхон» — 2:1, «Андижон» — «Кизилқум» — 1:3.

С. АРХИПОВ олган сурат

САККИЗИНЧИ ТУРДАН KEYИНГИ ВАЗИЯТ:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Пахтакор»	8	8	0	0	26-1	24
«Насаф»	8	5	1	2	13-5	16
«Кизилқум»	8	5	0	3	15-9	15
«Самарқанд-Д»	8	4	3	1	10-5	15
«Бухоро»	8	4	1	3	10-16	13
«Навбахор»	8	4	0	4	14-12	12
«Сўғдиёна»	8	3	3	2	11-9	12
«Металлург»	8	3	2	3	6-11	11
«Нефтчи»	8	3	1	4	8-10	10
«Дўстлик»	8	3	0	5	8-15	9
«Зарафшон»	8	2	2	4	8-8	8
«Андижон»	8	2	2	4	9-12	8
«Трактор»	8	2	2	4	9-12	8
«Кўқон-1912»	8	2	2	4	7-12	8
«Машъал»	8	2	1	5	5-12	7
«Сурхон»	8	1	2	5	7-17	5

РЕСПУБЛИКА КўЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2002 Йил 7, 21 июнь кунлари КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ўТКАЗАДИ

Савога қўйлашлар кўйлашади:

Тошкент шаҳар, А.Икромов тумани, Раҳимқожаев кўчаси, 36-уй, 26-хонада жойлашган 2 хонали хонадон

Бошлангич нархи — 1 717 282 сўм

Автотранспорт воситалари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамаси ҳузуридидаги Давлат тест марказига қарашли, Тошкент шаҳар, Юнусов тумани, Жаҳон Обидова кўчаси, 12-уйда жойлашган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 UZ 545 бўлган «ГАЗ-3102» автомобили.

Бошлангич нархи — 1 342 088 сўм

«3-автобус саройи» очик турдаги акциядорлик жамиятига қарашли, Собир Раҳимов тумани, М.Мирпўлатов кўчаси, 57-уйда жойлашган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 45-70 ТНБ бўлган «ГАЗ-2411» автомобили.

Бошлангич нархи — 400 913 сўм

«8-сонли автосарой» очик турдаги акциядорлик жамиятига қарашли, Юнусов тумани, Муродова кўчасида жойлашган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами ТНГ 19-85 бўлган «ГАЗ-2411» автомобили.

Бошлангич нархи — 515 231 сўм.

Савдолар соат 10.00 да бошланади.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг «Алишер Навоий» бекати.

ТЕЛЕФОНЛАР: 144-44-73, 144-71-78.

«Тафаккур» журнали жамоаси Ўзбекистон халқ шоири Усмонов Азимга онаси

МЕНГЛИХОЛ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIIR HAY'ATI

Abdulla O'RIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norboho SHAKAROV
(Bosh muharrir-
birinchi o'rinbosari)

Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari
«Golos Uzbekistana»)

Baxtiyor HAMIDOV
Rahima HAKIMOVA
Tolpbergen
QAIPIBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:

ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМOKPATIК
PARTIYASI MARKAZIY
KENGASHI

BOLIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Madrasiyat — 133-07-20
Xatlar
va ommaviy ishlr — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Kotibama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KOCHASI, 32-UY.

Nashatchi
Erkin XOLBOYEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikrumjon ISMOILOV

«Shara» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.
Korxonani manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot O'qitmasida 00004-raqam bilan royxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«Ozbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA